

ЮҚОРИ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТГА АСОСЛАНГАН ИНДУСТРИАЛ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ БЎЙИЧА МУҲИМ ДАСТУР

Шерзод ҚУРБОНОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ходими, эксперт.

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида белгиланган иқтисодий ислохотлар ҳамда 2026 йил учун устувор вазифалар иқтисодий нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Муаллиф мамлакат иқтисодиётини юқори қўшилган қиймат яратадиган индустриал иқтисодиётга трансформация қилиш, инвестиция муҳитини янада яхшилаш, саноатни модернизация қилиш, инновацион технологияларни жорий этиш ва экспорт салоҳиятини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратган.

Мақолада ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, рақобатбардош ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёни билан боғлиқ институционал ислохотларнинг аҳамияти ёритилган. Шунингдек, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляцияни жиловлаш, давлат бюджети даромадларини ошириш, инсон капиталига сармоя киритиш ва замонавий технологияларга асосланган иқтисодий ривожланиш устувор йўналиш сифатида баҳоланган.

Муаллиф саноат, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва хизматлар соҳасида юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ҳамда маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш барқарор иқтисодий ўсишнинг муҳим шарти эканини асослаб беради. Хулоса сифатида давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш, экспорт ҳажмини кўпайтириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва мамлакатнинг узоқ муддатли барқарор тараққиётини таъминлашга хизмат қилиши таъкидланган.

Калит сўзлар: индустриал иқтисодиёт, юқори қўшилган қиймат, иқтисодий ўсиш, инвестициялар, саноатни модернизация қилиш, экспорт, инновациялар, инсон капитали, макроиқтисодий барқарорлик, камбағалликни қисқартириш

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳоли турмушини янада яхшилаш ва жадал иқтисодий ўсишга эришиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Президентимиз 2025 йил 26 декабрь куни Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатнома тақдим этди. Унда таъкидланганидек, аҳолиси 40 миллионга яқинлашаётган мамлакатимиз учун ислохотлар нафақат зарур, балки давр талабидир. Дарҳақиқат, Мурожаатномада иқтисодий ўсиш жамият тараққиётининг энг ишончли мезонларидан бири экани бежиз қайд этилмади. Бу жараён фақатгина ишлаб чиқариш ҳажмларининг ортиши билан чекланиб қолмасдан, аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиши, даромадлар ўсиши ва меҳнат бозорида барқарорлик таъминланишида ўз ифодасини топиши лозимлиги таъкидланди. Барқарор иқтисодий ўсиш давлатга ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш, таълим ва соғлиқни сақлаш сифатини ошириш учун кенг имкониятлар очиб беришини Президент алоҳида урғулаб ўтди.

Мурожаатномада иқтисодийни жадал ривожлантиришда инвестицияларнинг ўрни бекиёс экани таъкидланди. Айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар саноатни модернизация қилиш, замонавий технологияларни жорий этиш ва рақобатбардош ишлаб чиқариш қувватларини яратишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани кўрсатиб ўтилди. 2025 йил якунларига кўра иқтисодийга жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 43,1 миллиард АҚШ долларига етгани Янги Ўзбекистоннинг инвестициявий муҳити барқарорлашаётгани ва халқаро инвесторлар ишончи ошиб бораётганини яққол намоён этади.

Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада ялпи ички маҳсулотни мамлакат иқтисодийнинг умумий ҳолатини акс эттирувчи асосий макроиқтисодий кўрсаткич сифатида таърифлади. Шунингдек, икки йил олдин қабул қилинган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясига ҳам тўхталиб, унда 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга етказиш мақсади белгиланганини эслатди. Давлат раҳбари таъкидлаганидек, мавжуд салоҳият, амалга оширилаётган ислохотлар, тадбиркорлик фаоллиги ва хорижий шериклар билан ҳамкорлик кўламининг кенгайиши ҳисобидан ушбу маррага 2026 йилнинг ўзидаёқ эришиш учун барча имкониятлар мавжуд. Шунингдек, Мурожаатномада глобал рақобат шароитида малакали кадрлар ва замонавий технологиялар ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди. Президент саноатда юқори қўшилган қиймат яратадиган соҳаларни, хизматлар соҳасида замонавий ва юқори даромадли сервисларни, қишлоқ хўжалигида илғор агротехнологияларни жорий этиш, “яшил” энергетика ва экологик барқарорликка эътибор қаратиш, таълим ва тиббиёт соҳаларида илғор тажрибаларни кенг қўллаш зарурлигини қайд этди. Давлатимиз раҳбари белгилаб берган ушбу устувор вазифалар изчил амалга оширилса, кадрлар илм-фан ва инновацияларга асосланган замонавий касбларга тайёрланса, келгуси беш йилда мамлакатимиз иқтисодий ҳажмини 240 миллиард доллардан ошириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Бозор муносабатларини чуқурлаштириш рақобат муҳитини кучайтириб, маҳсулот ва хизматлар сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Бу жараёнда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодийнинг асосий таянч устуни сифатида муҳим ўрин тутди. Мазкур соҳа аҳоли бандлигини таъминлаш, даромад манбаларини диверсификация қилиш ва ўрта синфни шакллантириш орқали иқтисодийни ташқи хатарларга нисбатан барқарор қилаётган муҳим омиллардан бирига айланмоқда. Мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш йўлида олиб бораётган институционал ташқи сиёсатида Мурожаатномада тизимлаштирилган иқтисодий ислохотлар ва лойиҳаларнинг аҳамияти алоҳида ўрин тутди. Чунки глобал савдо тизимида тўлиқ интеграциялашув, аввало, ички иқтисодий тизимнинг очиқлиги, рақобатбардошлиги ҳамда макроиқтисодий барқарорлиги билан бевосита боғлиқдир. Жорий йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг сезиларли ўсиши ва экспорт кўрсаткичларининг ошиши ташқи савдо алоқалари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилганини кўрсатди. Бу жараён миллий валюта барқарорлигини мустаҳкамлаш, валюта тушумларини кўпайтириш ҳамда ташқи иқтисодий хатарларга нисбатан мамлакат иқтисодийнинг чидамлилигини оширишга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, олтин-валюта захираларининг сезиларли даражада ўсиши мамлакат молиявий хавфсизлигини таъминлаш ва ташқи мажбуриятларни барқарор бошқаришда муҳим стратегик омил сифатида намоён бўлмоқда.

Макроиқтисодий барқарорликни сақлашда инфляция даражасини назорат қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда инфляция кўрсаткичларининг пасайиши пул-кредит сиёсатида мувозанат таъминланаётганини кўрсатади. Шунингдек, солиқ ислохотлари натижасида давлат бюджети даромадларининг ўсиши ижтимоий соҳалар,

инфратузилма ҳамда инсон капиталига йўналтирилаётган харажатларни барқарор молиялаштириш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Иқтисодий ўсишнинг ижтимоий самаралари меҳнат бозорида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Камбағаллик даражасининг қисқариши, аҳоли даромад манбаларининг кенгайиши ва ишсизлик кўрсаткичларининг пасайиши иқтисодий ислохотлар натижалари фақат статистик маълумотларда эмас, балки аҳоли ҳаётида ҳам ўз ифодасини топаётганини кўрсатади.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодий ўсишининг асосий драйверлари бўлиб қолмоқда. Саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг барқарор ўсиши ҳамда қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг ортиши иқтисодиёт тармоқларида узлуксиз ўсиш тенденцияси шаклланишини тасдиқлайди. Шу билан бирга, энергетика соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш орқали саноат, хизматлар соҳаси ва экспорт салоҳиятининг кенгайишини қўллаб-қувватлаётган муҳим стратегик омилга айланмоқда. Аҳоли даромадларининг ўсиши ва хорижий туристлар оқимининг кўпайиб бориши келгуси йилларда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни сезиларли даражада оширишини кўрсатмоқда. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, соҳада самарадорлик ва ҳосилдорликни замонавий технологиялар асосида таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланмоқда.

Мурожаатномада кириб келаётган 2026 йил учун пухта ишлаб чиқилган давлат дастури барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлаш узок муддатли стратегик режалаштириш, самарали давлат бошқаруви ҳамда инсон капиталига йўналтирилган тизимли ислохотлар билан чамбарчас боғлиқ эканини кўрсатади. Ана шу омилларнинг ўзаро уйғунлиги мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодий ўсишни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Давлат раҳбари таъкидлаганидек, камбағалликни қисқартириш маъмурий ёки статистик ёндашувлар орқали эмас, балки ҳар бир маҳаллада ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик асосида яратилаётган иш ўринлари, барқарор даромад ва фаровон турмуш орқали таъминланади. Иқтисодий ўсишнинг бевосита маҳаллага “тушиши” камбағалликка қарши курашни қисқа муддатли чоралар эмас, балки узок муддатли ва барқарор ижтимоий-иқтисодий жараёнга айлантиради.

Хулоса қилиб айтганда, олти устувор йўналишдан иборат мазкур давлат дастури иқтисодий ўсишни фақат макроиқтисодий рақамлар билан эмас, балки инсон ҳаёти сифати, маҳалла фаровонлиги ва жамият ижтимоий барқарорлигида намоён қиладиган тизимли ислохотлар мажмуасидир. Дастурда назарда тутилган лойиҳаларнинг изчил ва тизимли равишда ҳаётга татбиқ этилиши экспорт ҳажмини бир неча баробар ошириш, миллий иқтисодиётнинг ташқи бозорларда рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш учун мустаҳкам замин яратади.

Айни пайтда, бу каби улкан ва кенг қамровли ички ҳамда ташқи ислохотлар, аввало, халқимиз манфаатларига хизмат қиладигани, ҳар бир оила учун муносиб турмуш тарзини яратишга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этади.